БЕДОР ЎЙ

Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни оғишмай амалга ошириш!

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛИ ҲУЧИДА

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 61 КУН ҚОЛДИ!

✓ **1992 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬ.** Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Халқаро кинофестивали очилди.

✓ **1992 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬ.** Ўзбекистон Республикаси Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ)га аъзо бўлди.

✓ **1992 ЙИЛ 3 НОЯБРЬ.** Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 1 июль пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 129 (2167)

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга 30 июнь куни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Кристофер Ингем ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳар икки томон учун ҳам бирдек манфаатли эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари бу ишга ҳисса қўшишда элчига муваффақият тилади.

* * *

Шу куни давлатимиз раҳбарига Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Холид Амир Хон ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг бугунги аҳволи, ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Холид Амир Хон самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ишида ўз куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Австралиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Рут Лоррейн Пиарсдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Гарчанд мамлакатларимиз жўғрофий жиҳатдан бир-биридан жуда олисда жойлашган бўлса-да, бизни ўзаро боғлаб турадиган омиллар талайгина. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мамлакатларимизга бирдек фойдали бўлар эди, деди, жумладан, давлатимиз раҳбари.

Пиарс хоним самимий қабул учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик билдирди. У ўз элчилик фаолияти давомида мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга ҳаракат қилажагини айтди.

* * *

Мамлакатимиз Президентига 30 июнь куни Мўғулистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Булгаагийн Алтангэрэл ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон билан Мўғулистон ўртасидаги тарихий алоқалар бугунги кунда янгича мазмунларда шаклланиб ва ривожланиб бораётир. Мулоқот чоғида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни тобора равнақ топтириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Мўғулистон элчиси Булгаагийн Алтангэрэлнинг Ўзбекистондаги элчилик фаолиятига муваффақият тилади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг катта вице-президенти ҳамда бош иқтисодчиси Жозеф Стиглиц раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ж.Стиглицни фақатгина мазкур банкнинг раҳбарларидан бири эмас, балки янги мустақил давлатлар иқтисодиёти бўйича ўзининг муайян фикри ва қарашларига эга олим сифатида ҳам яхши билишини таъкидлади.

— Илмий-таҳлилий мақолаларингиз, бошқа чиқишларингиздан хабардорман, — деди Президент Ислом Каримов учрашувда. — Айтишим керакки, сиз ҳар бир нарсани ўз номи билан айтадиган шахслардансиз. Бу тоифа кишилар озчиликдир.

Яқинда Жаҳон банкининг Парижда бўлган йиллик конференциясида Ж.Стиглиц Шарқий Европа ва собиқ иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнини баҳолар экан, умумий аҳвол анча нохуш эканини таъкидлаган эди. Унинг сўзларига қараганда, айрим Шарқий Европа мамлакатларида иқтисодни эркинлаштириш ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари номутаносибдир. Эркинлаштиришнинг юқори суръатда кечадиган усулини танлаган давлатларда бугун ўсиш паст. Аксинча, ислоҳотларни ўтказишда сусткашликка йўл қўймоқда, дея танқид қилинган Ўзбекистон ёки Словения каби давлатларнинг эришаётган кўрсаткичлари эса эътиборга лойиқдир.

Бундай очиқ ва холис ёндашув Ж.Стиглицга хос хусусиятдир. Меҳмон самимий сўзлар ва қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов иштирок этди.

Қабулда Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Д.Пирс ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

ШУ СОНГА ХАБАР

ҚАШҚАДАРЁДА БИРИНЧИ

Баҳористон тумани ғаллакорлари Қашқадарёда биринчи бўлиб катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар.

Дон сотиш бўйича шартнома режаси бажарилди ва давлат хирмонига 14290 тонна ўрнига 14300 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди. Бу ютуққа, айниқса, Амир Темур номли, С. Муродов номли, «Дўстлик», «Чандир», «Олтин бошоқ» хўжаликларининг ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

9500 гектар майдонда ҳосил етиштирган баҳористонликлар режага қўшимча яна 2500 тонна дон топшириш ва ялпи хирмон салмоғини 16800 тоннага етказишга қарор қилишди.

Н. РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ШУ ЎЗИМИЗНИНГ ХЎЖАОБОДМИ?..»

Кўпни кўрган отахонлар ерости газ сақлаш иншооти ҳудудига қадам қўяр эканлар, қаршисидаги улуғвор манзарани кўриб, беихтиёр шундай деб юборишди

Усмонали ота неварасининг «Нексия»сидан тушганда, ҳамқишлоқлари интизорлик билан кутиб туришганлигининг гувоҳи бўлди. Кимдир «Қани, Хўжаободда нима гаплар?» деб савол берса, яна биров «Президентимизнинг табаррук қўлларини ололдингизми, биз сизнинг қўлингизни олайлик», деб устма-уст саволга тутишди.

— Ҳозир, шошманглар, ҳаммасини бир бошидан гапириб бераман, — деди отахон иссиқдан бўғриққан юзларини белбоғи билан артиб. — Биз, бир гуруҳ қарилар Хўжаобод ерости газ омбори дарвозаси яқинида гурунглашиб ўтиргандик. Бир маҳал Ислом ака машинадан тушдилар-да, тўғри биз томон бурилсалар бўладими?! Аввалига шошиб қолдик. Нега деганда, у киши даставвал газ омбори ускуналарига қизиқсалар керак, деб ўйлагандик. Бир зумда дилдан суҳбат бошланиб кетди.

— Сиз бирон нарса дедингизми? — дея саброизлик билан сўради Исмоил тракторчи.

— Аввало, Президентимиз аҳволимизни сўради, рўзғоримиз, турмушимиз билан қизиқди. Сўнгра биз, оқсоқоллар ҳам бор гапни айтдик. Кейин қўл очиб, «юзга киринг!» дея Президентимизни дуо қилдик. У киши очиқ юз билан «Сизлар билан бирга шу ёшга кирсам, розиман», дедилар. Аммо-лекин вақт зиқлигиданми, катта одамнинг салобати босдими, кўнглимдаги бор гапни айтолмадим. Кейинроқ, мажлис пайтида ўша гапларни Президентимиз ўзлари айтдилар. Шунда анча енгил тортдим.

— Нима гапларни айтмоқчи эдингиз? — сўрашди ҳамқишлоқлар.

— Айтмоқчи эдимки, кўпчилигимиз рўзғор ташвишлари билан ўралашиб, юртимизда қандай ўзгаришлар бўлаётганини пайқамаяпмиз. Ахир, Ўзбекистон мустақил бўлмасдан олдин ҳаётимиз қандай аҳволда эди? Бир ҳовлида тўртта-бешта рўзғор тиқилган кунларни эсдан чиқардикми? Биргина томорқа муаммосини ҳал қилиб бергани учун, шу инсонга минг ҳасанот айтсак арзийди. Очиғини айтинглар, ҳозир мен тушган «Нексия» бир кун келиб ўзимиздан чиқади деса ишонармидиларинг?! Энди оламжаҳон газни ер остига ғамлаб қўйиш Президентнинг ўй-фикри билан бўлаётганини биласизларми? Ўтган йили Хўжаободга атай келиб қурилишни кўздан кечиргандилар. Ҳамма муаммоларни ҳал қилиб бердилар. Мана, бир ярим йил ичида шунча иш бўлди. Ахир, шўро даврида шу омборни қуриш керакми-йўқми, деган масала ўн саккиз марта мажлисга қўйилган экан. Оқибати маблағни қаердан оламиз деб, қурмасликка келишишибди.

Худога шукур, юртимизнинг, Йўлбошчимизнинг дунёда обрўйи катта экан. Америкаликлар салкам 70 миллион долларни етти ярим йилда узиш шарти билан тутқазишибди. Бу ўз-ўзидан бўладими? Ўша йиғинда Америкадан келган бир ишбилармон айтдики, биз олиб келган юкни ташиган самолёт қанотлари Ўзбекистонда ишланган деб. Ҳа, бундан фахрланмай бўладими?! Шуни чет эллик тан олиб айтяпти, ўзимизда ҳамма билавермайди. Хуллас, болаларим, эртаю кеч сизу бизни ўйлаб, шунча яхши ишлар қилаётган Президентимизга чин дилдан раҳмат айтмоқчи эдим, улгуролмадим. Кўпни кўрган одамман, аммо, тўғриси, хурсандчилигимдан гапиролмай қолдим. Агар сал холироқ шароит бўлганда, аввало, ерни ҳақиқий эгасига бергани учун, сизларнинг номларингиздан миннатдорчилик билдирардим. Мустақиллик даврида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвонининг 41-гувоҳномасини олганимни, унда Президент имзоси қўйилганидан чексиз фахрланиб юришимни айтмоқчи эдим.

Отахоннинг бу эҳтироси даврадагиларга кўчди. Ҳамма якдиллик билан Андижонда, бутун мамлакатда катта ишлар амалга оширилаётганини эътироф этди.

— Газ омбори ҳақида нималарни билдингиз? — сўз қотди кимдир.

— Эҳ-ҳе, у ердаги ишларни айтаверсам, одамнинг ақли шошади. Аввало, бу иншоотга яқинлашганимизда, «Шу ўзимизнинг Хўжаободми?» деб юборганимизни билмай қолдик. Йўлнинг икки чеккасига нозик терак ниҳоллари ўтқазилган. Ёқасида райҳонлар барқ уриб турган ариқда оқаётган сувни кўриб баҳри-дилингиз очилади. Газ омбори ер тагида жойлашган бўлиб, пастдаги ишларни замонавий компьютерлар бошқариб турар экан. Худо хоҳласа, энди аёлларимизнинг жони ҳузурда бўлади. Айни қиш авжида газ ўчиб қолиши бир бало эди-да. Эсингдами, қизим, бир йили газ тўхтаб қолиб, қуртларни совуққа олдириб қўйгандинг. Энди бундай бўлмайди. Кимдир Президентдан шунча харажат қачон оқланади, деб сўраганди, Юртбошимиз «Биз иқтисодий фойда кўриш учун бу ишни қилганимиз йўқ, халқимиз фароғатини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди», деб жавоб қилдилар. Бу гап ҳаммага, чет элликларга ҳам маъқул бўлди. Эҳ, шундай ғамхўр одам юрт тепасида тургандан кейин ишлаб чарчамайсан, киши.

— Шунақа омборлардан бошқа давлатларда ҳам бормикан? — қизиқиб савол берди йигитлардан бири.

— Бор, дейишди. Лекин бундай катта куч билан газ йиғадигани яқин атрофда қурилмаган экан. Буям бизнинг бахтимиз. Фақат Андижон эмас, бутун Фарғона водийсидаги аҳоли, ишхоналар узлуксиз газ билан таъминланади. Президентимизнинг айтишларича, ҳозир Ўзбекистон газ таъминотини 85 фоизга, ичимлик сув таъминотини 82 фоизга етказишга ҳаракат қиляпти. Ахир, кўзимизни каттароқ очайлик, мустақил бўлгунимизча водий қишлоқлари 12 фоиз газлаштирилган эди-ку?! Биз бу ўзгаришлардан шукур қилишимиз, ғурурланишимиз керак эмасми?! Ахир, Ўзбекистонимизда 2,5 триллион газ заҳираси бор экан. Бунинг бир кубометрига зор давлатлар қанча? Шуларни ўйлаб кўрсак ҳам, халқимизнинг пешонаси ярқираганига ишонамиз. Келаси йили Хўжаободдаги омборда тўпланадиган газ ҳажми 900 миллион куб метрга етар экан. Кейинчалик икки баробар ошади, дейишди. Шу рақамларни танамизда бир ўйлаб кўрайлик. Ўзўзидан бўлмаётгандир бу ишлар?! Қайси мамлакатда яшаётганимизни унутмайлик.

— Аммо Президентнинг олдида озроқ хижолат жойимиз бор, — деб қолди Усмонали ота кутилмаганда. — Узр сўрамоқчи эдик, хурсандчилик кунда гап сиғмади...

— Нима гап эди, тинчликми?! — сўроққа тутишди деҳқонлар.

— Шунча ишлар бўляпти, у кишининг куйиб-ёниб ишлаши натижасида бизнинг Андижон ҳам юзага чиқди. Лекин Тошкентда судланган 22 нафар йигитлар ичида бизнинг вилоятимиздан ҳам борлиги юзимизни ерга қаратди.

— Э, ундай бетайинларда Ватан туйғуси бўлмайди, — деб юборди даврадагилардан бири. — Биз аллақачон уларни оқ қилганмиз.

— Тўғри-ку, — деди Усмонали ота. — Барибир ҳам ҳушёр бўлишимиз керак. Ўз этагимизда ўсаётган болалар ножўя йўлга кирса-ю, биз бехабар юрсак, дурустми? Ўзимиздан ҳам ўтган жойи бор-да. Агар мен гапириб берган катта ишлар ҳақида ёшларимиз ҳам хабардор бўлишса, кўнглида бир олам ниятлар уйғонади. Ахир, инсон куч-қувватга тўлган даврда савоб ишларни, элу халққа нафи тегадиган юмушларни бажармаса, қачон бажаради?! Ёш ўтиб, куч-қувватдан қолгандан кейинги надоматдан кимга наф? Агар ёшларимизда ғайрат бўлса, ўзини кўрсатаман деган майдон кўп-ку?! Биргина Хўжаобод ерости газ омборида ишлаётган ишчи ва муҳандисларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қиляпти. Завққа тўлиб ишлайдиган пайт келди-ку? Меҳнатимиз натижасидан ўз халқимиз баҳраманд бўлса, бундан ортиқ бахт борми?!

Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғининг меҳнат фахрийси Усмонали Қурбонов завқланиб узоқ гапирди.

Суҳбат ниҳоясида йигитлар:

— Қани, отахон, Юртбошимиз билан мулоқот қилган табаррук инсонсиз, бир дуо қилинг, — деб қўлларини фотиҳага очишди.

— Юртимиз тинч, Юртбошимизнинг боши омон бўлсин! Халқимизнинг ризқу насибаси зиёда бўлсин! — Усмонали ота шу сўзларни айтиб, юзига фотиҳа тортганида, ҳамманинг чеҳрасида мамнунлик порлаб турарди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Пойтахтдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида телемедицина бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Шифокорлар уюшмаси, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Россиянинг "Весттрэйд ЛТД" клиникаси қошидаги халқаро телемедицина маркази томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда телемедицинанинг афзалликлари, хусусан, унинг Ўзбекистонда тиббиётни ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида сўз борди. Телемедицина ёрдамида шифокорлар шаҳарлар ва давлатлараро бевосита мулоқотни йўлга қўйиши, беморларга тўғри ташхис қўйиш ва даволашда бирбирига зарур маслаҳатлар бериши, ўзаро тажриба алмашиши мумкин. Бу, айниқса, тиббиётнинг жарроҳлик, гастроэнтерология, онкология соҳаларида анча кўл келади.

Тадбир мобайнида Швейцариянинг Де Ля Сурс клиникаси ва АҚШнинг Бейлор тиббиёт маркази билан телекўприк ўрнатилди. Ушбу тиббий марказларнинг малакали шифокорлари ўз клиникаси ва у ердаги фаолияти ҳақида тўғридан-тўғри эфир орқали ҳикоя қилиб берди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

(ЎзА).

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоблари Жиззах вилояти кенг жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

ХУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам ана шу мавзуга бағишланди.

Йиғилишда халқ таълими жонкуярлари, ўқитувчилар ва талабалар сўзга чиқиб, Юртбошимиз жавобларида ўртага қўйилган масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, шу мақсадда мактаблар, лицей ва коллежларда "Маънавият ва маърифат" марказларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.

ХОРИЖ КОМБАЙНЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Нукус туманидаги "Нукус" ширкатлар хўжалиги галлазорларида Япония ва Италиянинг "Янмар", "Нюхолнд" фирмаларида ишлаб чиқарилган комбайнлар тақдимоти бўлиб ўтди. Агрегатларни синовдан ўтказиш чоғида шу фирмаларнинг ҳамда Япония ва Италия давлатлари элчихоналарининг ходимлари, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги мутахассислари қатнашди.

Деҳқонлар ва мутахассислар мазкур комбайнларнинг иш унуми ва сифатига юқори баҳо бердилар. Оролбўйида галла ўрим-йиғими энг авж паллага чиққан масъулиятли дамларда Қорақалпоғистонга Италиядан 13 та, Япониядан 9 та ана шундай серунум машиналар келтирилгани далаларда иш суръатини ошириш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов сўзга чиқди.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.

Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорликни биз Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашга қўшилган яна бир ҳисса деб ҳисоблаймиз. Чунки бу шериклик иқтисодий, маданий, илмий соҳалар билан бир қаторда сиёсий соҳани ҳам назарда тутади. Бу ҳужжат ҳамкорлик қилишнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради, Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини яратади, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очади, мунтазам сиёсий мулоқот учун институционал асос яратади.

Ислом КАРИМОВ



МУЗОКАРАЛАР ВА ТАШРИФЛАР СОЛНОМАСИ

● 1994 йил кузида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи(ЕИ) ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

● 1995 йилнинг бошида Брюсселдаги Европа Иттифоқи қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг ваколатхонаси иш бошлади.

● 1996 йил март ойида Брюсселда ЕИ билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаш юзасидан музокараларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

● 1996 йил апрель ойида Ханс Ван Ден Брук бошчилигидаги Европа Иттифоқи Комиссиясининг(ЕИК) ҳайъати Ўзбекистонга келди.

● 1996 йил 27 апрелда ЕИК ташқи сиёсий муносабатлар бўйича Бош директорлигининг Марказий Осиё, Кавказ орти мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўлими раҳбари Ф.Фотиадис бошчилигидаги ЕИ ҳайъати Тошкентга келди. ЕИ билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаш юзасидан музокараларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

● 1996 йил 21 июнда Италиянинг Флоренция шаҳрида ЕИ билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

● 1996 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЕИ қароргоҳига расмий ташриф билан борди.

● 1997 йил давомида ЕИга аъзо олти давлат – Финляндия, Швеция, Австрия, Греция, Ирландия ва Испания давлатларининг парламентлари Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тасдиқладилар.

● 1998 йил давомида битимнинг ЕИга аъзо давлатлар парламентларида тасдиқланиш жараёни давом этди.

● 1999 йил 12 мартда Европа Парламенти битимни тасдиқлади.

● 1999 йил апрелда битим Франция парламенти томонидан тасдиқланди.

ТАРИХИЙ БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Файзуллаев ўша пайтда мамлакатимизнинг БЕНИЛЮКС (Бельгия, Нидерландия, Люксембург) давлатлари, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва НАТОдаги элчиси сифатида шериклик ва ҳамкорлик битимини тайёрлашда иштирок этган эди. Мухбиримиз А.Файзуллаев билан учрашиб, ушбу битимнинг моҳияти ва аҳамияти хусусида суҳбатлашди.

— Алишер Омонуллаевич, ЕИ билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиш жараёни ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бу битим устида иш 1994 йилда бошланган. Европа Комиссияси ва Кенгаши ҳамда Европарламент Ўзбекистон билан муносабатларнинг келажагини чуқур ўрганиб чиққандан сўнг, ЕИ 1995 йилнинг охирида мамлакатимиз билан бу битим бўйича музокара бошлаш ҳақида қарор қабул қилди. 1996 йилда томонлар орасида расмий музокаралар бошланди. Ўзбекистон Республикаси, Европа Комиссияси Кенгаши ва ЕИга аъзо барча мамлакатлар вакиллари иштирокида музокаралар Брюссель ва Тошкент шаҳарларида икки раунд давомида бўлиб ўтди. Битим 1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида ЕИ давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарлари йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов томонидан имзоланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ЕИ томонидан бу каби юқори шарафга фақатгина Ўзбекистон ва Россия Президентлари муяссар бўлдилар. Бир қанча бошқа янги мустақил давлат раҳбарлари ҳам бундай битимни имзолашган, лекин маросим ЕИ мамлакатларининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги йиғилишида бўлиб ўтган. Бу ҳол ЕИ Ўзбекистон билан ҳамкорликка нақадар катта эътибор бераётганлигидан далолатдир.

— ЕИ билан шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим мамлакатимиз учун қандай аҳамиятга эга?

— Бу битим Ўзбекистон учун ўта муҳим, тарихий аҳамиятга эга, десак янглишмаган бўламиз. Европанинг ривожланган, демократик давлатлари билан ҳар томонлама яқинлашиш Ўзбекистоннинг манфаатларига мосдир.

Битим туфайли Ўзбекистон билан ЕИ ҳамда унга кирувчи 15 давлат ўртасида расмий, ҳуқуқий асосда шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Мазкур битим фундаментал, кенг қамровли бўлиб, жуда кўп соҳаларда томонлар орасидаги муносабатларни янги поғонага кўтаради. Улар орасида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, инвестиция, молия, божхона, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация, почта, стандартлаштириш, транспорт, статистика, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўпгина соҳалар бор.

Битимнинг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини ва суверенитетини қўллаб-қувватлашдир. Бу битим туфайли республикамиз билан ЕИ ўртасида биринчи маротаба мунтазам сиёсий мулоқот ўрнатилади. Томонлар ўзаро савдода бир-бирларига энг қулай шароит яратадилар. Бир-бирларига тегишли товарларни ўз ҳудудлари орқали эркин транзит қилишни таъминлайдилар. Умуман олганда, юқорида қайд қилинган барча соҳаларда Ўзбекистон ЕИ билан яқинлашиш, илғор Европа тажрибасидан бевосита баҳраманд бўлиш имконига эга бўлди.

— ЕИ ҳамма давлатлар билан ҳам шу хилдаги битимларни имзолайверадими ёки маълум бир мезонларга риоя қиладими?

— ЕИга кирувчи мамлакатлар Иттифоқ сифатида биргаликда ҳар қандай мамлакат билан ҳам битим имзолайвермайдилар. ЕИ билан ҳамкорлик битимларини бир неча гуруҳга бўлишимиз мумкин.

Биринчиси, ЕИнинг ҳуқуқий асосини яратувчи ҳужжатлар, масалан, Маастрихт ёки Амстердам шартномалари – уларни, табиийки, фақатгина бу Иттифоққа кирган давлатлар имзолаган. Иккинчиси, ЕИга аъзо бўлишга интилаётган Марказий ва Шарқий Европа давлатлари билан тузилган битимлар. Учинчиси, шериклик ва ҳамкорлик битимлари. Тўртинчиси, ҳамкорлик битимлари.

Ҳамкорлик битимлари фақатгина савдо-сотиқ соҳасини қамраб олади. Масалан, ЕИ билан собиқ Шўролар мамлакати орасида ана шундай ҳужжат мавжуд бўлган.

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим фақатгина иқтисодий соҳага тегишли бўлмасдан, балки сиёсий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам мўлжалланган. ЕИ бу каби битимни ўзи учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва сиёсий қарашлари яқин бўлган давлатлар билангина тузади.

Ушбу ҳужжат ЕИга аъзо барча мамлакатлар парламентлари, Европарламент ва Олий Мажлис томонидан чуқур ўрганиб чиқилиб, ратификация қилинди. Ратификация жараёни деярли уч йил давом этгани бу битимнинг қанчалик жиддийлигидан далолат беради.

— Ўзбекистон бу битимдан қандай манфаат кўриши хусусида тўхталиб ўтдингиз. ЕИ ва унга аъзо мамлакатлар биз билан ҳамкорликдан қандай манфаат кўрадилар?

— Албатта, битим ҳар икки томон учун манфаатлидир. Шундай бўлмаса, имзоланмас эди. ЕИ Ўзбекистонга катта эътибор билан қарамоқда. Бу Иттифоқнинг ижроия органи – Европа Комиссияси ЕИнинг Ўзбекистонга нисбатан стратегиясига бағишланган бир неча ҳужжат ишлаб чиқди. Бу ҳужжатларда ЕИ мамлакатимизнинг минтақадаги алоҳида ўрнини, катта сиёсий, иқтисодий, маданий ва тарихий салоҳиятини тан олади ва Ўзбекистон билан яқин муносабатлар ўрнатиш кераклигини таъкидлайди.

ЕИ табиий ва меҳнат ресурсларига бой, геополитик ва геостратегик аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақасида ўз мавқеини оширишга интилмоқда. Шу сабабли ЕИ учун Ўзбекистон алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ЕИ билан савдо-сотиқ қиладиган МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўрин тутади. Шериклик ва ҳамкорлик битими Ўзбекистонга қизиққан Европа ва жаҳон инвесторлари учун муҳим сиёсий ҳамда ҳуқуқий асосдир. Бу битим орқали томонлар ўз манфаатларини ҳар соҳада ҳимоя қиладилар ва ўзаро кўмаклашадилар.

— Алишер Омонуллаевич, таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳужжатни ратификация қилиш жараёни тугади. 1999 йилнинг 1 июлидан кучга киради. Ўз навбатида бу битим томонлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шундай экан, Ўзбекистон олдида қандай вазифалар турибди?

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кўп шартномаларга имзо чеккан, халқаро конвенцияларга қўшилган. Аммо мазкур битим каби стратегик, кўп соҳаларни ўз ичига қамраб олган ва узоқ мақсадларни кўзлаб имзоланган ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимизнинг кўрсатмаларига асосан, битимни амалда қўллаш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Республикамиз вазирликлари, муассасалари, тегишли ташкилотлар ана шу битимнинг ҳар бир бандини бажарилишини кўзлаб режалар тузмоқдалар. Шу каби тайёргарлик ишлари ЕИ томонидан ҳам олиб борилмоқда.

Битимда томонлар орасида бир қанча органлар тузилиши кўзда тутилган. Шулардан бири вазирлар даражасида сиёсий мулоқот ўтказишга мўлжалланган Ҳамкорлик кенгашидир. Яқин ойларда бу кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказиш мўлжалланмоқда. Кенгашда шериклик ва ҳамкорлик битимига тегишли бўлган барча масалалар кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади. Бу кенгаш ҳар хил соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида янги органлар тузиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Ҳамкорлик кенгашига кўмаклашиш учун Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида ҳукуматларнинг юқори даражадаги вакиллари иштирокида Ҳамкорлик қўмитаси ташкил топади. Ҳар иккала орган – Ҳамкорлик кенгаши ва Ҳамкорлик қўмитаси йилига бир маротабадан мажлис ўтказади.

Бундан ташқари, республика Олий Мажлиси ва Европарламент ўртасида Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

Шериклик ва ҳамкорлик битимида қайд этилган масалалардан бири Ўзбекистоннинг ҳуқуқий меъёрларини ЕИда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга яқинлаштиришдир. Орада янги битимлар тузилиши, мамлакатимизнинг бир қанча халқаро конвенцияларга қўшилиши кўзда тутилган. Табиийки, бу узоқ давом этадиган жараён, бир-икки кун ичида бўладиган иш эмас, шунинг учун ҳам бу масалага жуда жиддий ёндашиш зарур.

ТАСИС деб номланган ЕИнинг техник ёрдам дастури бундан буён шериклик ва ҳамкорлик битимининг амалга ошишига ҳам хизмат қилади. Шу сабабдан биз ТАСИС дастуридан янада унумли фойдалана олишимиз керак.

Хулоса қилиб айтганда, шериклик ва ҳамкорлик битими бизни Европага, Европани бизга яқинлаштиради. Аслида Ўзбекистон тарихан Европага доимо яқин бўлган. Буюк Ипак йўли бизни боғлаган. Узоқ асрлардан бери савдо-сотиқ алоқалари давом этиб келган. Соҳибқирон Амир Темур давридаёқ икки ўртада дипломатик муносабатлар мавжуд бўлган.

Эндиликда бевосита муносабатларимиз қайта тикланиб, янги даражага кўтарилмоқда. Ўзбекистон билан ЕИ ва унга кирувчи мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик битими давлатимизнинг жаҳондаги мавқеини юксалтиришга, халқларимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЕВРОПАРЛАМЕНТ

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тайёрлаш ва имзолаш жараёнини тезлаштиришда мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлиснинг Европарламент билан алоқалари ҳам муҳим ўрин тутганини айтиб ўтиш жоиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг кўп ўтмай, Европарламентда Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар гуруҳи тузилди. Ана шу гуруҳ вакиллари мамлакатимизга икки марта расмий ташриф буюрди, жуда кўплаб тизим ва соҳалар қатори Олий Мажлис таркиби, фаолияти билан ҳам атрофлича танишди. Ўз навбатида Олий Мажлисда ҳам Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов раҳбарлигида Европарламент билан алоқалар гуруҳи ташкил топди. Ана шундан сўнг иккала гуруҳ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди.

1998 йил март ойида Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар гуруҳи раҳбари Ф. Камисон Асенсио билан Олий Мажлис Раиси Эркин Халиловнинг Брюссель шаҳридаги расмий учрашуви парламентлараро алоқаларнинг учинчи босқичига асос солди. Мазкур учрашувда, асосан, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш жараёнини тезлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Бир неча музокаралардан сўнг Олий Мажлис ва Европарламент мазкур битимни маъқулладилар.

Битимда Европа Иттифоқи билан мамлакатимиз ўртасидаги деярли барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари эътиборга олинган, ҳар икки томоннинг вазифалари аниқ белгиланган. Битимнинг 83, 84, 85-моддаларида Ўзбекистон парламенти ва Европарламент аъзоларидан иборат Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилиши назарда тутилган. Қўмита иккала парламент аъзоларининг учрашуви ва фикр алмашишлари учун форум вазифасини ўтайди. Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасига иккала парламент аъзолари навбати билан раислик қилади. Шунингдек, мазкур моддаларда қўмита зиммасига юкланган вазифа ва ваколатлар ҳам аниқ белгиланган.

Юртбошимизнинг Европа мамлакатларига қилган самарали сафарлари, республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, тинчлик-осойишталик, эришаётган ютуқларимиз туфайли битим ЕИга аъзо барча мамлакатларнинг парламентлари томонидан нисбатан қисқа муддатда ратификация қилинди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим амалиёти иккала томон парламентларининг тенг ҳуқуқли муносабатларини янги босқичга кўтаради, мамлакатимизнинг Европа қитъаси, у орқали жаҳон мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда интеграциялашувини тезлаштиради.

Исмат ХУДОЁРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бундан уч йил муқаддам Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик ҳақида битим имзоланган эди. Ўтган давр мобайнида битим ЕИ га аъзо барча мамлакатлар парламентлари ва Европа Парламенти ҳамда Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинди. Бугун бу муҳим, тарихий ҳужжат кучга киради.

ФЛОРЕНЦИЯДА ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

Иоланда Брунетти ГОЕТЦ,
Италия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси

— Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги бу битимнинг имзоланишига Италия хайрихоҳ мамлакат сифатида алоҳида эътибор билан қаради. ЕИ мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ва бошқа жуда кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни қамраб олган бу битим Европадаги 15 мамлакатнинг ҳар бири билан бевосита, тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга ҳам ёрдам беради. Ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, сиёсий, иқтисодий соҳалар билан бир қаторда уюшган жиноятчиликка, наркотик моддаларнинг савдосига қарши кураш каби масалаларда ҳам аниқ дастурлар ишлаб чиқилиб, амалий ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Ўзбекистоннинг бой тарихий ёдгорликлари, интеллектуал салоҳияти ва иқтисодий потенциали европаликларни ўзига жалб этмоқда. Республикада бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли танланганлиги Европа сармоядорлари, ишбилармон доиралари вакилларини ҳам қизиқтириб, ҳамкорликка ундамоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу муҳим ҳужжатни амалга оширишдан Европа Иттифоқи ҳам, Ўзбекистон томони ҳам бирдек манфаат кўради. Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлидан дадил илгарилаб бормоқда. Республикага кириб келаётган сармоялар оқими кўпаймоқда. Табиийки, Европа Ўзбекистоннинг тез суръатлар билан ривожланишидан манфаатдор. Биз мамлакатда ҳукм сураётган ҳозирги барқарор сиёсатнинг давом этиши тарафдоримиз. Ўзбекистон ўзининг оқилона ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан минтақада етакчи роль ўйнамоқда. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик йўлини танлаган Ўзбекистон позициясини биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Флоренцияда имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига янада дадил кириб бориши, ўз ўрни ва овозига эга бўлиши, мавқеини янада мустаҳкамлашида муҳим омилдир. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 1992 йилдан буён Европа давлатлари билан тўғридан-тўғри, икки томонлама муносабатлар олиб бормоқда.

Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликка келсак, ўзаро алоқалар доимо яхши бўлган. Агарда мустақилликка қадар кўпроқ маданий соҳаларда бордикелдилар бўлган бўлса, 1991 йилдан кейин сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий масалаларда ҳам ҳар иккала томон учун манфаатли бўлган йўналишларда ҳамкорлик йўлга қўйилди. 1996 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Италияга сафари чоғида бўлиб ўтган учрашувлар, тадбиркор ва ишбилармонлар билан мулоқотлар италиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини янада бойитди ва республикангизга келишга рағбатлантирди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда биз билан ҳамкорликда ташкил этилган 25 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Италиялик сармоядорлар республикада амалга оширилаётган йирик лойиҳаларда иштирок этмоқдалар. Жумладан, Шўртан полиэтилен заводи қурилиши ва бошқа иншоотларни барпо этишга ҳиссамиз қўшилаётганлигидан мамнунмиз. Бундан ташқари, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, телекоммуникация соҳаларида ҳам алоқаларимиз мавжуд.

Илм-фан, маданият, санъат, таълим соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлигимиз ҳақида узоқ гапиришимиз мумкин. Театр, санъат арбобларининг бир-бирларига сафарлари, тажриба алмашишлар, фильмлар кўргазмалари ўзбек ва итальян халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистонга келган италияликлар халқингизнинг меҳмондўстлиги, самимийлиги ва кўрсатилган иззат-икромдан ўз юртларига ниҳоятда таъсирланиб қайтмоқдалар. Келажакда бундай алоқаларни янада кенгайтириш ниятидамиз. Масалан, кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Ўзбек йигит ва қизларини Италия университетларига ўқишга юборишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бир сўз билан айтганда, режаларимиз улкан. Бу саъй-ҳаракатлар ўзининг самарасини беришига ишончим комил.

МУҲИМ ВОҚЕА

Жан Клод РИШАР,
Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси

— Мен Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи(ЕИ) ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланишида ва ратификация қилинишида Франция ҳам фаол иштирок этганидан ниҳоятда мамнунман. 1996 йил июнь ойида Флоренцияда ЕИга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги йиғилишида Франция Президенти Жак Ширак Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан бўлган мулоқотлардан мамнун бўлганлигини изҳор этган эди. Яқинда эса Президентимиз Францияннинг саноат бўйича Давлат котиби орқали муҳтарам Ислом Каримов номига мактуб йўллади. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор: **“...Мана, бир неча йиллар мобайнида бизнинг икки томонлама муносабатларимиз муваффақиятли ривожланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланиши даражаси муттасил ўсиб бораётганлигидан хурсандман... Муносабатларимизнинг шундай ижобий ривожланиши Сизнинг ўз мамлакатингизни дунёга, хусусан, Европага очиш истагингиз туфайли мумкин бўлиб қолди. Шу муносабат билан мен Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида биз 1996 йили Флоренцияда имзолаган Битим кучга кирганлиги билан табриклайман».**

Бу самимий сўзлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос инъикосидир. Зеро, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Ўзбекистон ва Европа Иттифоқининг, унга аъзо бўлган барча мамлакатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос ҳисобланади. Ҳужжат Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларнинг тенг ҳуқуқли эканлигидан далолат беради. Икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янги имкониятларини очади. Ўзбекистон ва ЕИга аъзо давлатлар раҳбарларининг мунтазам равишда учрашиб, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлашиб туришларига асос бўлади.

Ҳозирнинг ўзида ҳам илмий-техникавий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги алоқалар ривожланиб бормоқда. Ушбу битим Европа Иттифоқига аъзо барча мамлакатлар парламентлари томонидан ратификация қилиб бўлинганлиги катта воқеадир. Демак, ҳамкорлик муносабатлари янада кенгаяди. Ўзаро манфаатли алоқалар юқори поғонага кўтарилади. Мен ана шу муҳим ҳужжат кучга кираётганлиги муносабати билан унга имзо чеккан барча томонларни табриклайман.

Янги Ўзбекистон тарихи 1991 йил 1 сентябрдан бошланади. Унинг ҳар бир саҳифасига муҳрланган сатрларга назар ташласак, диёримиздаги муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий воқеалар биринчи маротаба рўй бераётганлигининг холис гувоҳи бўламиз.

Биринчи бўлиш доимо қийин... Аммо йиллар ўтади, янги авлод келади. Озод Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов ва бағри кенг, танти, меҳнаткаш халқимиз томонидан мустақилликнинг илк йилларида фарзандларимиз истиқболи йўлида амалга оширилган буюк ва савобли ишлардан келгуси авлод ҳис этадиган фахр ва мамнуниятни тасаввур этсак, барчамизнинг дилимизда улуғ ишларга дахлдорлик ғурури уйғонади.

Саҳифа материаллари халқаро шарҳловчилар Ҳошимжон МУРОДОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ ва Ғофуржон ЖАМОЛОВлар томонидан тайёрланди.



«ҒАЛЛА-99»



ШИДДАТ

Навоий вилоятида ғалла ўрим-йиғими жадал олиб бориляпти. Бироқ ҳамма жойда эмас.

Вилоятда бултур ғалла ўрим-йиғими 52 кунга чўзилган эди. Бу йилги ғайрат-шижоат ўзгача. Вилоят ғаллакорларининг Қизилтепа туманида ўтказилган кенгашида улар мавсумни 25 иш кунида тугаллашга аҳд қилишган эди. Иш шунга яраша бўлаяпти. Конимех тумани ғаллакорлари етти иш кунида давлат шартномасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажардилар. Бир кундан сўнг қизилтепаликлар маррага етишди. Навбаҳор тумани ғаллакорлари ҳам марра сари шитоб билан яқинлашмоқдалар.

Бу шижоат, шиддатни вилоят ғаллазорларининг ҳамма жойида учратдик. Қизилқумнинг суғорилиб экиладиган майдонларида ғалла етиштирган Конимех туманидаги «Шўрқўл» жамоа хўжалигида бўлганимизда, давлатга дон сотиш шартнома режасини 4 кунда бажарганликларига гувоҳ бўлиб, очиғи, ҳайратга тушдик. Хўжалик бошқаруви раиси Избосар Сарсенбоев асли иқтисодчи, вилоят назорат органларида, шунингдек, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи бўлиб ишлаган. Уни дала бошида учратдик. Оққувадан келган йигитнинг офтобдан қорайиб кетганлигини кўриб, аввалига уни танимай қолдик.

—«Кейс»ни кўряпсизми? — салом-аликдан сўнг гап бошлади раис. — Уни Жақип Набираев бошқараяпти. Ўзиям Жақип бу «тулпор»ни «йўрттириш»нинг ҳадисини роса олган дейман-ов. 4 иш кунида 600 гектар умумий ғалланинг 380 гектарини саранжом-саришта қилиб берди. 1211 тонна ўрнига 1356 тонна дон сотдик. Ҳозиргача 2000 минг тонна дон жамғардик. Насиб бўлса, ялпи хирмонимиз камида 3000 тоннага етади. Ҳосилдорлик ўртача 45 центнердан кам бўлмайди.

Қизилқумда дон бўлмайди, деганлар адашади. Ҳамма муваффақиятлар боши — сув. Сув бўлгандан сўнг ерга меҳр қўйсанг, уни ардоқласанг, меҳнат қилсанг, у баракотини бераверади. Пудратчилардан Тожи Бухоров ҳар гектар ердан 50,3 центнердан, Али Бердиев 50,1 центнердан ҳосил олибди.

Вилоятда ғалла ўрим-йиғимидаги суръатга Хатирчи ва Навоий туманлари ғаллакорларининг сусткашлиги соя солаяпти. Хатирчи туманида 8220 гектар майдонда ғалла етиштирилган. Давлат шартномаси учун қарийб 17 минг тонна дон сотилиши керак. Бироқ ҳар куни 400-410 тонна дон жамғариляпти. Иш суръати ана шундай давом этса, режани бажариш учун роппа-роса 1 ой муддат керак бўлади. Бундай дейишимизга асос бор. Ҳар куни туман далаларида 5-6 та комбайн турли сабабларга кўра ишлатилмаяпти. Бунинг устига, ўрим-йиғимда қатнашаётган комбайнчиларнинг иш унуми паст. Навбаҳор туманида ҳар бир «Кейс» агрегати билан 37-40 гектар майдондаги ғалла ўриб-йиғиб олинаётган бир пайтда Хатирчида бу кўрсаткич 20 гектардан ошмаяпти. Нега шундай? Навбаҳорда бор имконият Хатирчида йўқми?

Навоий туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалиги иқтисодий ночорлиги учун санация қилинди. Деҳқончиликда энг муҳим даромад манбаларидан бири бўлган ғаллачиликдаги имкониятлар санациянинг иккинчи йилидаёқ бой берилаяпти. Шу кунгача мавжуд 558 гектар ғаллазорнинг 420 гектаридаги ғалла ҳосили ўриб-йиғиб олинган. Ҳаммаси бўлиб 670 тонна дон тайёрланибди. Ҳосилдорлик зўрға 16 центнердан тушаяпти. Ташқи бошқарувчи Мурод Хидировнинг изоҳига қараганда, хўжаликка МТП «Кейс» агрегатини юбормаяпти. Аслида, бу бир баҳона. Бошқа хўжаликлар Россия комбайнларини ҳам унумли ишлатиб, суръатга эришаяптилар-ку! Асосий сабаб, ғаллазорларнинг аксарият қисмини бегона ўтлар босиб кетиб, комбайнларнинг бир маромда ишлашига имкон бермаётганлигида. Хуллас, изласа баҳона топилаверади. Вилоятдаги ғалла ўрим-йиғимидаги шиддат ва шижоат моҳиятига бундай баҳоналар ўтмайди. Ахир, ўрим-йиғимни 25 иш кунида тугаллаш масъулияти шуни тақозо этмоқда.

П. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Баҳористон туманидаги Сулаймон Муродов номли ширкат хўжалигида ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирди. Оилавий пудратчиларнинг аксарияти ҳозиргача гектар ҳисобига 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Бу чўл шароити учун юқори кўрсаткичдир.

СУРАТЛАРДА: комбайнчи Отамурод Воисов; ўрим-йиғим пайти.
Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

НОН ҲИДИ

— Олинглар, ўзимизнинг янги ҳосилдан, — ҳозиргина тандирдан узилган бир сават бўрсилдоқ нонни дастурхонга келтирди Насиба опа. Иссиқ нонни қўлларимиз куйгудай бўлиб «пуф-пуф»лаганча ушатдик. Атроф нон ҳидига тўлди. Бир бурдасини оғизга солдик. Бирам хуштаъм, мазалики, ҳеч бир таом бу неъматга тенг келолмайди, ўхшамайди ҳам. Андижонлик ғаллакорлар бу йил етмиш минг гектар майдонда ана шундай бебаҳо бойлик, элнинг ризқ-насибасини яратдилар. Мустақил юртнинг маъмурчилик, тўкин-сочинлик манбаи бу.

— Тўйларимизга, ўтиб бораётган ҳар бир кунимизга буюрсин, — нонни кўзларига суртди Насиба опа.

Ҳамма дуога қўл очди.

Мана, бир неча йилдирки, Асқарали ака Солиевлар оиласи дўкондан ун ёки бозордан ғалла сотиб олмайди. Комбайнчи эмасми, ўримда астойдил ишлаб, уйга қоплаб дон келтиради. Ўтган йили у ўғли Холиқжон билан биргаликда 280 гектар майдондаги буғдойни ўриб, янчиб берди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди.

Биз Асқарали ака мисолида кейинги йилларда қишлоқда яшаб, меҳнат қилаётганларда ишга, мулкка бўлган муносабат кескин ўзгариб кетганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Аввалари далада ишловчилар, айниқса, механизаторлар ўзларига биркитилган техника воситаларини кўз қорачиғидек асраб-авайламас, бирор қисми ишдан чиққудай бўлса, шундоқ шудгорнинг ўртасига ташлаб кетаверар эди. Эндичи?

— Комбайнимга, — дейди Асқарали ака. — Ўн йилдан ўтяптики, ўзим қарайман. Таъмирталаб қисмларини ўзим созлайман. Техник қаровини ҳамиша ўрнига қўяман. Шунинг учунми, бирон марта бузилиб, мавсумда панд берганини эсломайман. Тирикчилик шунинг орқасидан ўтаётган экан, ўзимизни сен десак деймизки, уни сенлай олмайман, қараймиз.

Ҳа, юқорида айтиб ўтганимиздек, Асқарали ака ўтган мавсумда Асака туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг салкам уч юз гектар ердаги буғдойини саранжомлаб бергач, қўшни туманларга ҳам ёрдамга ўтди. Ҳосилни йиғиштириб олишда ҳамкасбларига ёрдам берди.

Юзлари саратон қуёшидан қорайган, пешонасини қийиқ билан танғиб олган йигитга юзланиб, Асқарали акадан сўрадик.

— Ўғлингиз ҳам комбайнни бошқара оладими?

— Бўлмасам-чи. Чарчагудай бўлсам, унга топшираман. Ёш-да, ёш. Бизга ўхшаб «тошбақа юриш»ни — вазминликни хуш кўрмайди. Ҳой, бола, мошинангни тезлатма, дон тўкилиб нобуд бўлади, дейман. Сифатга алоҳида эътибор қаратяпмиз-да.

Ғалабаликлар бу йил 470 гектар майдондаги экинни парваришлади. Ҳосилни узоғи билан ўн беш иш кунида йиғиштириб олиш режалаштирилди. Ўрим-йиғим гуруҳи ташкил этилди ва унинг ҳар бир аъзоси аниқ вазифалар асосида фаолият кўрсатмоқда. Экин майдони юқорисига капа тикилган, сўрилар ўрнатилган. Катта қозонда иссиқ овқат пиширилмоқда. Тунда ишловчилар учун барча шарт-шароит етарли. Ҳар беш кунда иш ҳақи ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Биз асакалик ғаллакорлар иши билан яқиндан танишгач, қўшни Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли жамоа хўжалигида ҳам бўлдик. Ижарачи Кўчқорали Абдуллаевнинг ўғиллари Иброҳимжон, Шарофиддинлар билан «Кейс» сузиб юрган буғдойзорни кўздан кечирдик. «Кейс» тележка ёнига келиб тўхтади. Зум ўтмай бункир тўла буғдой аравага тўкилди.

— Баракасини берсин, ҳосилимиз ҳар йилгидан мўл, — кўнгли тўлди ижарачининг. Кейин иккита бошоқни қўлига олиб, донини санай бошлади: биринчисида эллик, иккинчисида олтмиш дона буғдой чиқди. — «Купава» ҳақиқатан ҳам серҳосил нав экан. Ҳали ўримни тугатмай туриб, шартномадаги буғдойни топшириб бўлдик.

Шаҳрихон далаларида бугун 36 та комбайн ишлатилмоқда. Шундан 9 таси «Кейс». Ҳар бирининг кунлик иш унуми ўртача 17-20 гектарни ташкил этаётир. 6486 гектар майдондаги ҳосилнинг ҳар йилгидан тўрт-беш кун эрта пишиб етилганлиги ҳисобга олингудай бўлса, яна йигирмата комбайн жалб этиш зарурати туғилмоқда. Ўшанда 21.020 тонналик «каҳрабо дон» хирмони республикамиз мустақиллигининг саккиз йиллигига муносиб тўёна бўлиб, омборлардан жой олади.

Бир неча кундирки, андижонликлар ғалла ўримига оммавий киришдилар. 213 комбайн, 82 та «Кейс» кечасию кундуз юксак унум билан ишлатилмоқда. «Кейс»лар ёрдамида кунига салкам минг гектар ердаги буғдой ўриб, янчилаётир. Ўтган куни 8036 тонна дон давлатга сотилди.

Мавсум биргина ғаллакорларни эмас, балки транспорт тизими, дон қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида меҳнат қилаётганларни ҳам синовдан ўтказмоқда. Ҳар бирининг зиммасига катта масъулият юкламоқда. Чунончи, даладаги хосилни қабул шохобчаларига пешма-пеш етказиб бериш учун «Андижонтранс» ҳиссадорлик бирлашмаси 195 та юк автомашинаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 399 та машина-механизм, 794 та тирков араваси ажратди.

«Асакадонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти жамоаси эса ўтган кундан бошлаб Марҳамат, Бўз, Асака туманлари хўжаликларидан келтирилган «каҳрабо дон»ни қабул қилишга киришди. Бу 40 минг тоннадан ортиқ ғаллани қабул қилиш шохобчасида ёпиқ омборхона қуриб битказилди.

Вилоятнинг қайси бурчагида бўлманг, каттадан-кичикни қайноқ меҳнат устида учратасиз. Бу одамларнинг эртанги кунга бўлган катта ишончи, руҳи тетиклиги, бардамлигидан нишона.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкентда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида «Фуқаро муҳофазасини режалаштириш ва фуқаро-ҳарбий ҳамкорлик» мавзуида минтақавий ўқув машғулотлари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, НАТО қароргоҳининг Фуқаро муҳофазасини режалаштириш бош қўмитаси ва Европа бирлашган кучлар олий бош қўмондонлиги унинг ташаббускорларидир. Ушбу курсларда НАТОга аъзо ва у билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган 17 мамлакат вакиллари иштирок этаяпти.

НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури 1994 йил январь ойида Европада барқарорлик ва хавфсизлик ўрнатиш мақсадида жорий этилди. Ушбу дастур очиқ бўлиб, унинг тадбирларида барча иттифоқдош ва ҳамкор мамлакатлар ўзларининг миллий сиёсати, муайян талаблари ва молиявий маблағларидан келиб чиққан ҳолда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси ушбу дастур тадбирларида 1994 йилдан бери қатнашмоқда.

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида кенг қамровли тадбирлар — мудофаа, қуролланиш, танг ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, фуқаро муҳофазасини режалаштириш, ҳаво ҳаракатини бошқариш ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик амалга оширилади.

Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши эса «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг сиёсий ҳомийси ва анжумани бўлиб, унда иттифоқдош ва ҳамкорлар ўзларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, хавфсизлик масалаларини муҳокама этадилар.

Тошкентда ўз ишини давом эттираётган семинар курсларида «Совуқ урушдан ҳамкорлик сари», «НАТОнинг ривожланиши», «НАТОнинг хавфсизлик сиёсати», «НАТОда фуқаро муҳофазасини режалаштириш», «Ўзбекистонда фуқаро муҳофазасини режалаштириш», «Фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш сиёсати», «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — инсонпарварлик ёрдамларини мувофиқлаштириш қароргоҳи» каби мавзуларда маърузалар ўқилмоқда.

Европа бирлашган кучлар олий бош қўмондонлик кучларининг фуқаро-ҳарбий ҳамкорлик бўлими зобити Джейкус ТИГНИ семинар курсларининг Тошкентда ўтказилиши тўғрисида бизга қуйидагиларни айтиб берди:

— Тошкент Ўрта Осиёнинг марказида жойлашгани учун, ушбу анжуманни айни шу ерда ўтказиш биз учун жуда қулайдир. Энг асосийси, мамлакатингизда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Бу ерда барча шароитлар муҳайё этилганидан мамнунмиз. Семинарда муҳокама этиладиган асосий масалалардан бири — фавқулодда вазиятларда фуқаро ва ҳарбийларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиришдир. Бу масала Ўзбекистон шароитида долзарб, деб ҳисоблаймиз.

НАТО қароргоҳининг фуқаро муҳофазасини режалаштириш бош қўмитаси таълим ва машғулотлар бўлими штаб зобити Ропке Райнер мазкур семинар курсларининг аҳамияти тўғрисида сўзлаб, «Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири фуқаро муҳофазаси масалаларини ҳал этишда турли вазирлик ва идоралар вакилларининг иштирокини таъминлашдир», — деди.

— Ушбу курсларда қўплаб хорижий, шу жумладан, МДҲ мамлакатлари вакилларининг иштирок этиши турли масалаларда фикр алмашувга имконият яратяпти. Айниқса, Ўрта Осиё минтақаси давлатлари вакилларини қизиқтирган зилзила, ер кўчиши, сел келиши, тўғонларнинг шикастланиши билан боғлиқ умумий мавзуларда қизғин баҳс ва машғулотлар бўлиб ўтаяпти. Хусусан, 1966 йили Тошкентда содир бўлган ер қимирлаши ва унинг оқибатида юз берган фожиа тўғрисида бизда барча маълумотлар бор.Шу боис зилзила давомида ва ундан сўнг фуқаро муҳофазасини таъминлаш масалалари алоҳида муҳокама этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, НАТО фавқулодда вазиятларда унга аъзо ва ҳамкор давлатларнинг илтимосига биноан уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр», — деди жаноб Ропке Райнер.

Анжуман иштирокчилари бир неча гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулотларни давом эттирмоқдалар.

Бахтиёр ИРИСОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.


ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ

Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг ижодий гуруҳи Нидерландиянинг Енштед ҳамда Варфум шаҳарларида бўлиб ўтаётган 34-халқаро фольклор фестивалида миллий халқ қўшиқ ва рақсларидан ташкил топган концерт дастурлари билан иштирок этмоқда. 4 июлга қадар давом этадиган бу фестивалда «Тановар» рақс театри ва «Зарафшон» рақс ансамбли «Темурий маликалар», «Ўзбекистон самоси» каби 17 та саҳналаштирилган рақс спектакларини намойиш қилишади. Театрлар, мактаблар, олий ўқув юртлари ва хиёбонларда давом этаётган фестиваль тантаналарида мамлакатимиз санъаткорларидан 27 нафари қатнашаётир. Байрам дастурини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова саҳналаштирган.

Рисолат МАДИЕВА,
«Туркистон-пресс» мухбири.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

1999-2000 ўқув йили учун институтга қуйидаги бакалавр йўналишлари бўйича қабул эълон қилади:



Кундузги бўлим:

1. Телекоммуникациялар (Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари; Телекоммуникация узатиш тизимлари; Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение).
2. Ахборот ва ахборотлар технологияси.
3. Телекоммуникациялар бўйича педагог.
4. Почта хизмати.
5. Алоқа корхоналарида менежмент.

Сиртқи бўлим:

1. Телекоммуникациялар (Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари; Телекоммуникация узатиш тизимлари; Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение)
2. Алоқа корхоналарида менежмент.

700084, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй, тел. 35-77-75.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ

Газетанинг шу йил 13 май сонида «Ўзгариш қачон бошланади?» сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола чоп этилган эди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури моҳиятини Қашқадарё вилояти, хусусан, Чироқчи тумани раҳбарлари қандай тушунаётганлари, жумладан, Кўкдалада бугунги кунда мактабларнинг аҳволи қандайлиги ҳақида очиқ, аммо аччиқ мулоҳазалар юритилганди.



Ушбу мақола юзасидан Қашқадарё вилоят ҳокимлигидан жавоб мактуби олинди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари жаноб Р. Раҳмоновнинг хабар беришича, мақола юзасидан ўтказилган текширишда унда келтирилган далиллар Кўкдала халқ таълими бўлимига қарашли айрим мактабларда ҳақиқатан ҳам мавжудлиги аниқланди. Ушбу масала бўйича ва умуман, вилоят халқ таълими тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳада ишни тубдан яхшилаш юзасидан вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди. Қарорда Кўкдала халқ таълими бўлими раҳбар ходимларини танлашда йўл қўйган хатоликлари ва мактаблар фаолиятига эътиборсизлик билан қараганликлари Чироқчи туман ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасига кўрсатиб ўтилди. Бўлим мудири А. Абдураҳмонов лавозимидан озод қилинди.

Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш, моддий базасини яхшилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда услубий-амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланиб, уларнинг амалга оширилиши вилоят ҳокимлигининг доимий назоратига олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

IBM,
COMPAQ,
DELL,
HEMLETT PACKARD
ишлаб чиққан ҳисоблаш техникаси воситаларини етказиб бериш бўйича

ТЕНДЕР эълон қилади.

Тендерда қатнашиш ҳақидаги таклифлар 1999 йил 15 июлгача қабул қилинади.

Тендер бўйича ҳужжатларни ДСҚ Моддий-техник таъминлаш бошқармасидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 166-уй, 218-хона, ички телефон 251. ®/1890

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоаси немис филологияси факультети мудири, доцент М.С. Дадаҳўжаевага ўғли
Бахтиёр ТОЖИБОЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси таҳририят аъзоси Назиха Камоловага отаси
Собиржон ҲОШИМЖОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Мусоҳаба

УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш муҳим ўрин тутади. Таълим-тарбия ишларини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Хўш, уларнинг амалдаги ижобати қандай бўлаяпти? Мухбиримизнинг ушбу саволига Андижон мухандислик-иқтисодиёт институтининг ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор А. СОТВОЛДИЕВ қуйидагича жавоб берди:

— Баркамол авлодни шакллантириш ўзи ва миллатининг қадр-қимматини теран идрок этувчи, шахсий фикрларини собит туриб ҳимоя қила оладиган ёшларни вояга етказиш билан боғлиқ. Бунинг учун ижодий салоҳияти кенг, ўз касбида моҳир, бозор муносабатлари асосини чуқур эгаллаган, компьютерлардан фойдалана оладиган, чет тилларни яхши биладиган кадрлар тайёрлашга эътиборни қаратиш, керакли барча шарт-шароитни, яъни лабораториялар, кафедра ва ўқув-ҳисоблаш марказларини замонавий асбоб-ускуналар ва компьютерлар билан жиҳозлаш лозим. Зеро, Президентимиз И. А. Каримовнинг **«Замон талабларига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт»**, деган фикри ёшларни тарбиялашда дастуриламал бўлиши зарур. Чунки мамлакатимиз бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини қураётган ҳозирги шароитда жамият ва давлат ўзлигини англаган, жисмонан етук, истеъдодли шахсни тарбиялаб етиштиришдан манфаатдордир.

Бизнинг институтимизда ёшларга билим бериш ишлари юқоридаги фикрларга таянган ҳолда олиб борилмоқда. Институт таркибида Минтақавий иқтисодий билимлар маркази ва «Заҳирадаги кадрларни тайёрлаш» мактаби фаолият кўрсатмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, институтда иқтидорли талабаларни излаб топиш, уларнинг илмий тадқиқотлар ўтказиши ва истеъдодини намоён этишлари учун қулай шарт-шароит яратиш ишлари биринчи курсдаёқ бошланади. Бу иш асосан институт «Маънавият ва маърифат» маркази қошида ташкил этилган «Истеъдодли ёш олимлар ва иқтидорли талабалар» клуби орқали амалга оширилади. Клубнинг фаолияти кўп қиррали бўлиб, ёш олимларни «Устоз» жамғармаси орқали чет элларга малака оширишга, аспирантура ва докторантураларга, иқтидорли талабаларни эса «Умид» ва «Улуғбек» жамғармалари орқали хориждаги нуфузли университетларга юбориш ҳамда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни амалга оширади. Ўтган ўқув йилларида 13 нафар талаба «Умид» жамғармаси танловларидан ўтиб, АҚШ, Франция, Германия университетларида бакалаврият ва магистратурага қабул қилинди. Ёш олимлардан 4 нафари эса «Устоз» жамғармаси танлови орқали АҚШ ва Германияда малака оширишга йўлланма олди. 1998 йилда ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий мақолалари тўплами «Мустақилликнинг зафарли етти йили» номида босиб чиқарилди.

Ўқиш даврида олинган назарий билим амалий машғулотларсиз мустаҳкам бўлмайди. Шу туфайли талабаларнинг амалиётлари махсус ишлаб чиқилган дастурлар бўйича олиб борилади. Талабаларга амалиёт ўтиш жойларини танлашларида эркинлик берилади. Иқтидорли талабалар вилоятда ва водийда барпо этилган қўшма корхоналар («ЎзДЭУавто», АНТЕКС, МАСК)га биринчи навбатда юборилади.

Билим негизи қанчалик мустаҳкам бўлса, шунчалик кўп самара беради. Шу фикрга асосан, институт қошида академик лицей ташкил этилган. Ҳозирги вақтда ушбу лицейда 375 нафар иқтидорли ўқувчи таҳсил олмоқда. Улар билан 45 нафар профессор-ўқитувчи машғулот олиб бормоқда. Лицейда ўқувчиларнинг ўқиши, яшаши ва дам олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Институтнинг барча тармоқлари бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилган ва у ҳукуматимизнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагини яратишда ёшларнинг ўрни, ҳар бир талаба, ўқувчининг ўз Ватанига чексиз садоқат руҳида, ҳар томонлама камол топган шахс сифатида тарбиялашга қаратилган кўрсатмаларига мос тушади. Яқинда АҚШнинг Пенсильвания университетида ўқиётган талабаларимиз А. Пўлатов ва Р. Қаҳҳоровлардан мактуб олдик. Улар ўз мактубларида жонажон институтлари, устозлари, Ватанимиз ва Президентимиз олдида масъулиятли эканликларини таъкидлайдилар. Олган билимларини мамлакатимиз тараққиёти йўлида сарфлаяжакларини, яратилган барча шароит ва имкониятлар учун Президентимиз И.А. Каримовдан миннатдор эканликлари, бу улуғ зотнинг ҳамда институт жамоаси ва халқнинг ишончини албатта оқлашларини ёзишади. Биз, устозлар эса уларнинг баркамол, элига, юртига фойдаси тегадиган чин комил инсон бўлиб етишишларини истаймиз. Чунки ҳар бир ёш йигит-қиз, талаба бизнинг фарзандимиз, уларнинг ҳар бир ютуғидан, катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки фарзандларимиз — кўрар кўзимиз, эртанги кунимиз, элимизнинг, юртимизнинг истиқболидир. Президентимиз айтганларидек, **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»** Шу боис биз ёшларимиз — талабаларимизнинг ҳеч қачон қораниятли, мақсади бузуқ кишиларнинг таъсирига тушишига йўл қўймаймиз. Бу — бизнинг муқаддас бурчимиз.

М. ЙЎЛДОШЕВА
ёзиб олди.



САЛОМАТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

Пойтахтдаги таниқли шифокор Бахтиёр Абдуллаев раҳбарлик қилаётган 17-клиник касалхонасида малакали тиббиёт ходимлари талайгина. Асаб касалликлари бўлимининг мудири, доцент Комилжон Қобилов — шулардан бири. У 26 йилдирки, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда эса кўплаб шогирдлари ҳам Комилжон ака билан ёнма-ён фаолият юритаётир.

СУРАТДА: доцент Комилжон Қобилов шогирдлари Инна Ким ва Динора Мироқиловалар билан бирга беморга ташхис қўймоқда.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II max компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид TOFAEB томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.50
1 2 3 4 5 6

Автоспорт: мамлакат чемпионати

Республикамизда бошқа спорт турлари қатори автоспорт ҳам йилдан-йилга тараққий этиб бормоқда. Яқинда «Жанубий» автополигонида ушбу спорт тури бўйича мамлакат биринчилигининг учинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

Тошкент автомобиль федерацияси ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан уюштирилган мазкур беллашувларда олий ва биринчи лига вакиллари иштирок этишди. Ўша куни об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, спортчилар яхши натижалар кўрсатишди.

3,5 километрлик айланма пойгада олий лиганинг 14 та вакили А-7, А-8, А-9 классдаги автомашиналарда совринли ўринлар учун муросасиз кураш олиб бордилар. Ўтган йилги чемпион А. Силенко ҳамда жорий йилдаги икки босқич ғолиби А. Станковичларнинг бу гал омади чопмади. Улар автомобилларининг носозлиги туфайли финиш чизиғига етиб кела олишмади. Пойга бошланишидан олдинга чиқиб олган «Тайфун» спорт клуби аъзоси Мурод Муҳаммадиевга биринчи ўрин насиб этди.

Шундан сўнг биринчи лига вакиллари машиналарини ўт олдиришди. Улар 35 километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтиш учун пойгага чиқдилар. Белгиланган масофанинг ўрталаригача С. Мукурдумов ва А. Силенко деярли баробар боришди. Бироқ ўз маҳоратини намойиш эта олган Сергей рақибидан 500-600 метр олдинга чиқиб олди ва финиш чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Навбатдаги, тўртинчи босқич мусобақалари сентябрь ойида бўлиб ўтади.

Саид МУРОД.

«ФАРҒОНА АФАНДИСИ»НИНГ ҚАЙТИШИ

Адҳам Ҳамдам... Бу мўътабар ном тилга олинганда, кўпчилик фарғоналиклар юзида табассум пайдо бўлади. Сабаби — унинг латифалари эл орасида кенг тарқалган. Давраларда оғиздан-оғизга кўчиб юради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад «Бутун мамлакатда Адҳам Ҳамдамчалик оғзаки сўз устаси йўқ», деганида юз фоиз ҳақ.

Фарғонада таниқли қулги даргасига бағишлаб ўтказилган тадбир аскиячи ва қизиқчиларнинг ўзига хос мусобақасига айланиб кетди. Водийнинг барча шаҳар ва туманларидан, мамлакатимиз пойтахтидан ташриф буюрган ҳаваскор қизиқчилар ҳамда таниқли сўз усталари А. Ҳамдам ижодига мансуб асарларни маҳорат билан ижро этдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, адибнинг шогирди Йўлдош Сулаймон раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати танлов қатнашчиларининг ҳар бир чиқишини эътибор ва синчковлик билан баҳолаб борди. Бош совриндан эса Ҳотамжон Тешабоев етакчилигидаги марғилонлик аскиячиларга насиб этди. Иккинчи ўринга сазовор бўлган Ҳусанбой Қаҳҳоров Наманганда ҳам Адҳам ақанинг шогирдлари, ихлосмандлари кўп эканлигини исботлади. Риштонлик ота-бола Ўктамжон ва Икроржон Қодировлар эса учинчи ўринни эгалладилар. Голиблар хотира тўйи муносабати билан чоп этилган «Фарғона афандиси» китоби ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тадбирни ўтказишга бош-қош бўлган адибнинг қадрдон жамоаси — «Фарғона ҳақиқати» ва «Давр» газеталари таҳририятлари, вилоят матбуот бошқармаси сайёр ҳаракати туфайли «Фарғона афандиси» яна ўз юртига қайтди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ИПАК ЙЎЛИ — ТЕАТР-САЁҲАТ»

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида халқаро «Ипак йўли — театр-саёҳат» лойиҳасига мувофиқ муаллифлик театрларининг томошалари бўлиб ўтмоқда.

— Муаллифлик театрларининг бундай учрашувлари ва томошалари жуда катта аҳамиятга эгадир, — дейди Германиянинг «Андер Рур» театри раҳбари Роберто Чулли.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Германия театр санъати вакилларининг биргаликда қўяётган томошалари нафақат ўзига хос санъат байрами, балки маҳорат кўриги, тажриба алмашув экани билан ҳам диққатга сазовордир.

Муаллифлик театрларининг томошалари 2 июлгача давом этади.

Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

003 хабар беради

003 — Давлат солиқ қўмитасининг «Ишонч» телефони. У куну тун ишлаб турибди. Солиқ қонунчилиги бузилган ҳолатларни кўрсангиз, шу телефон орқали маълум қилишингиз мумкин. Тезкор гуруҳ аъзолари сиз берган маълумот асосида дарҳол текширув ишларини бошлаб юборадилар.

МАХФИЙ ЦЕХЛАР

Яқинда шундай бўлди. Қўнғироқ қилган киши Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи 6-цехининг 5-қаватида махфий цех ишлаётганлигини маълум қилди. Тезкор гуруҳ аъзолари ўша соатдаёқ заводга етиб келишди. Текширув давомида бу ерда «НИФТАХ» хусусий фирмасига қарашли махфий цех қуюлтирилган сут ишлаб чиқараётганлиги тасдиқланди.

Солиқчилар 944 дона тайёр маҳсулот, 883 дона бўш консерва банкаси, 6455 дона маҳсулот ёрлиғи, 1100 килограмм шакар, қуюлтирилган сутни тунука банкаларга қуювчи мослама ва бошқа воситаларни рўйхатга олдилар.

Сохта тадбиркорларнинг устомонлигини кўриб, солиқчилар ёқа ушлаб қолишди. Улар қаердандир Россия давлатига тегишли ёрлиқларни топиб келиб, банкалар «қорни»га ёпиштириб чиқишган экан. Харидор шу ёрлиқни ўқийди-да, Россияники экан, деб олиб кетаверади.

Тезкор маълумотларга қараганда, 1999 йил 1 майдан 8 июнгача бўлган даврда у ерда 5,5 миллион сўмликка яқин ясама сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилибди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Искандар Мирзажоновга нисбатан Ҳамза тумани давлат солиқ инспекцияси жиноий иш қўзғади. У етти нафар ишчини ёллаб, ясама ускуналар ёрдамида қуюлтирилган сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

Ўрта Чирчиқ тумани фуқароси Баҳром Раҳимов ҳам тадбиркорликнинг тақиқланган турлари билан шуғулланаётган экан. У Шаҳрихон туманидаги Хўжаобод қишлоғи фуқароси Раҳматилло Набиқулов ва Гурлан туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Мансурбек Жуманиёзовни ёллаб, уйида «Кока-кола», «Спрайт», «Тянь-Шань», «Банакуа», «Фанта», «Самарқанд» деган номлари билан сохта яхна ичимликлар ҳамда «Тайд» кир ювиш порошоги, «Оқ эмал» бўёқларини тайёрлаб сотишни касб этиб олибди.

Бундан хабар топган солиқчилар Баҳромнинг хонадонини кўздан кечирганларида, сотишга шай қилиб қўйилган сон-саноқсиз яхна ичимликлар, 22 килограмм «Миккола-Асид» сироп суюқлиги, 13 килограмм апельсин ароматизатор суюқлиги, 6 килограмм аскарбин кислотаси, 20 килограмм бензонатрий, турли хилдаги ёрлиқлар, 252 банка оқ бўёқ, 94 та бўш идиш, 1900 қути «Тайд» кир ювиш порошоги, қалбаки штамплар чиқди. Ўша соатдаёқ баённома тузилиб, ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди.

Текширув давомида тузилган ҳужжатлар асосида ҳар учала шаввозга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда...

003 телефони тиним билмай жиринглаб турибди. Демак, солиқ қонунчилигига зид иш юритаётган юртдошларимиз бор.

Атрофимизда камчиликка муросасиз фуқаролар борлигини унутманг.

Жасур НОСИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИХТИСОСЛАШГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ —
«ПАХТА-БАНК»

ўз мижозлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги

«ИШОНЧ» ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

орқали бевосита мулоқот қилишни йўлга қўяди:
78-09-41, 173-25-48, 173-25-01, 173-25-34, 173-25-11, 78-78-67.

Сиз ушбу телефон рақамлари орқали «Пахта-банк» тизимида қандай хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари борлиги ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз, банк хизмати тизимида учраб турган муаммо ва камчиликлар хусусида хабар беришингиз, банк хизматини янада яхшилашга оид фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни баён этишингиз, шунингдек, ўзингиз манфаатдор бўлган бошқа масалалар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин.

«Пахта-банк» сизлар билан мунтазам алоқада бўлиш, ўзаро фикр алмашишдан манфаатдордир.Биз ўз мижозларимизга ва банкимиз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлганларга амалий ёрдам кўрсатишга доим тайёрмиз!

«ПАХТА-БАНК» БОШҚАРУВИ.

1873

ЎЗБЕК — ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

"ТОШКОЧАВТО"

тадбиркорлар, бизнесменлар, йирик корхоналар ва кичик фирмаларни,хуллас, юқори классли автотехника зарур бўлган барча-барчани

ЎРТАЧА ЮК КЎТАРАДИГАН ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛЛАРНИ

- «ЎзОтойўл-Ивеко» 35,9 (тент, дизель двигателли, юк кўтариш ҳажми 2 тонна) баҳоси $ 28950.
- «ЎзОтойўл-Ивеко» 65,9 (тент, дизель двигателли, юк кўтариш ҳажми 4 тонна) баҳоси $ 30500.
- «ЎзОтойўл-Ивеко» 80,12 (тент, дизель двигателли, юк кўтариш ҳажми 5 тонна) баҳоси $ 34500.

харид қилишда иштирок этишни таклиф этади.

Тўлов Ўзбекистон Республикаси курси бўйича сўмларда.
Тўлов шакли ихтиёрий.

Биз таклиф қилаётган автомобиллар тежамкорлиги, қулайлик ва экологик хавфсизлиги бўйича энг юқори талабларга жавоб беради.

Барча моделлар Ўзбекистон шароитига мослашган. «ТошКочавто» қўшма корхонаси автомобилларни сотишга олдиндан тайёрлаш билан боғлиқ ишларни амалга оширади.

Сотиладиган барча машиналарга сервис хизмати кўрсатишни кафолатлайди.



«ТОШКОЧАВТО» ДУНЁГА МАШҲУР ЗАМОНАВИЙ ЮК МАШИНАЛАРИДИР!
ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ, МИННАТДОР БЎЛАСИЗ!

Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек массиви, 47.
Тел.: 549927, 546390, 546997.
Факс : 1206361.

LL@1833